

# **Мавзу:**

**ВМЖнинг 1998 йил 27 октябрдаги  
“Техноген, табиий ва экологик  
тусдаги фавқулодда вазиятларнинг  
таснифи тўғрисида”ги 455-сон  
қарорининг моҳияти.**



«Ҳар бир минтақада ҳавфсизликни таъминлаш муаммолари шунчаки мавҳум характерда бўлмайди.

Ҳар қайси минтақада ўз хусусиятлари, ҳавф соладиган ўз манбалари ва ҳавфсизликни сақлайдиган ўз омиллари бўлади»

**И.Каримов**

## ***РЕЖА:***

1. Қарорнинг мазмун моҳияти
2. Фавқулодда вазиятлар турлари ва уларнинг гуруҳланиши.
3. Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг асосий сабаблари.

# Фавқулодда вазият нима?

- Фавқулодда вазият — бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли офат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир.
- Фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига (манбаларига) кўра тасниф қилинади ва улар ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига (ҳудудлар чегараларига) қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларига бўлинади.

# Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг ТАСНИФИ

Фавқулодда вазиятлар\* уларнинг вужудга келиш сабабларига (манбаларига) кўра тасниф қилинади ва улар ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламларига (ҳудудлар чегараларига\*\*) қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегара турларига бўлинади.

## **Энг машаққатли ва хавфли 10 касб**

Дунёда шундай касблар борки, улар ҳаёт қадри ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Бундай касблар ҳаёт учун таҳдид солувчи хавфли касблардир. "Best top 10" маълумотларига кўра, қуйидагилар энг машаққатли ва хавфли касблар

ҳисобланади:

- 1. Кончилар**
- 2. Саперлар**
- 3. Ўрмончилар**
- 4. Электрчилар**
- 5. Полициячилар**
- 6. Балиқчилар**
- 7. Учувчилар**
- 8. Бурғуловчилар**
- 9. Ўт ўчирувчилар**
- 10. Юк машиналари ҳайдовчилари**

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБИГА КЎРА**

**ТАБИИЙ**

**ТЕХНОГЕН**

**ЭКОЛОГИК**

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
КЎЛАМИГА КЎРА**

**ЛОКАЛ**

**МАХАЛЛИЙ**

**РЕСПУБЛИКА**

**ТРАНСЧЕГАРАВИЙ**

# Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар:

- Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил кўринишдаги фалокатлар киритилган.
- Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октабрдаги 455-сонли қарорида, яъни, “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар таснифи” да кўрсатиб ўтилган.



## **Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга қўйидагилар киради:**

- **1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари.**
- **2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар.**
- **3. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар.**
- **4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар.**
- **5. Бинолар конструкцияларининг тўсатдан бузилиши.**
- **6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар.**
- **7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.**

**Фавқулодда вазиятлар — ҳудудлар чегаралари, уларни бартараф этиш ишлари, раҳбарлари томонидан Фавқулодда вазиятлар оқибатлари (шикастловчи омиллар) тарқалишига қараб белгиланади.**

## **I. ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

**1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари:** экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария-қидирув ишларини талаб қиладиган **авиаҳалокатлар;** ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибнинг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг, ҳалокат ҳудудидаги темирйўл платформаларида, вокзаллар биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек ташилаётган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТКЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган **темирйўл транспортидаги ҳалокатлар ва авариялар (ағдалишлар);**

портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТКЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган **автомобиль транспортининг ҳалокати ва авариялари**, шу жумладан, **йўл-транспорт ҳодисалари**;  
одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келган **метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар**;  
газ, нефть ва нефть маҳсулотларининг (авария ҳолатида) отилиб чиқишига, очик нефть ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган **магистрал қувурлардаги авариялар**.

**2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:** атроф-табий муҳитга кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) отилиб чиқишига ва шикастловчи омилларнинг одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган даражада, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария-ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган **кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.**

### **3. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:**

технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш циклининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган **авариялар, ёнғинлар ва портлашлар;** одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келган ҳамда қидириш-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўлланишни талаб қилувчи **кўмир шахталаридаги ва кон-руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинслар кўпорилиши.**

**4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:**  
саноат ва қишлоқ хўжалиги масъул истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ГЭС, ГРЭС, ТЭЦлардаги, туман иссиқлик марказларидаги, электр тармоқларидаги, буғқозон қурилмаларидаги, компрессор ва газ тақсимлаш шохобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар ва ёнғинлар; аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар; атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўлган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5. Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария-қутқарув ишлари ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

**6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:**  
санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарисига **чиқариб ташланиши** натижасида пайдо бўлган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладигандан кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарган **технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар;** радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; атроф-муҳит ва одамлар саломатлиги учун хавф туғдирувчи радиоактив **чиқиндилар тўплагичлардаги, чиқиндихоналардаги, ишлам тўплагичлардаги ва захарли моддалар кўмиладиган жойлардаги авариялар (ўпирилишлар); радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши;** биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда **биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.**



## **7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар:**

сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги кўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

# ТАБИИЙ

**1. Геологик хавфли ҳодисалар:**  
одамлар ўлимига, маъмурий-ишлаб чиқариш  
биноларининг, технологик асбоб-ускуналарнинг, энергия  
таъминоти, транспорт коммуникациялари ва  
инфратузилма тизимларининг, ижтимоий йўналишдаги  
биноларнинг ва уй-жойларнинг турлича даражада  
бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт  
фаолиятининг издан чиқишига олиб келган **зилзилалар;**  
одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин  
бўлган ва хавфли ҳудуддан одамларни вақтинча  
кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун  
кўчиришни талаб қилувчи **ер кўчишлари, тоғ**  
**ўпирилишлари** ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

**2. Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:**  
одамлар ўлимига, аҳоли пунктларини, баъзи  
саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини  
суб босишига, инфратузилмалар ва  
транспорт коммуникациялари, ишлаб  
чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолияти  
бузилишига олиб келган ва шोшилиш  
кўчириш тадбирлари ўтказилишини талаб  
қиладиган суб тошқинлари, суб  
тўпланиши ва селлар;

**3. Фавқулодда  
эпидемиологик,  
эпизоотик ва эпифитотик  
вазиятлар:**

### **3. Фавкуллда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:**

**ўлат, вабо, сарғайма иситма каби сийрак учрайдиган касалликларни келтириб чиқарган алоҳида хавфли инфекциялар;**

одамларда учрайдиган юқумли касалликлар риккетсиялар — эпидемик тошмали терлама, Бриль касаллиги, Ку-иситма;

зооноз инфекциялар — Сибирь яраси, кутуриш;

вирусли инфекциялар — СПИД;

**эпидемия** — алоҳида хавфли инфекцияларга тегишли бўлмаган, юқиш манбаи битта ёки юқиш омили бир хил

бўлган одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, бир аҳоли пунктида — 50 киши ва ундан ортиқ;

**аниқланмаган этиология билан гуруҳ бўлиб касалланиш** — 20 киши ва ундан ортиқ;

**ТАШҲИСИ АНИҚЛАНМАГАН БЕЗГАК КАСАЛЛИГИ** — 15  
киши ва ундан ортиқ;  
**ЎЛИМ ЁКИ КАСАЛЛАНИШ ДАРАЖАСИ** ўртача статистик  
даражадан 3 баравар ва ундан ортиқ бўлган **ВАЗИЯТ**;  
**ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ** —  
жабрланганлар сони — 10 киши, вафот этганлар  
сони — 2 киши ва ундан ортиқ;  
**ОЗИҚ-ОВҚАТДАН ОММАВИЙ ЗАҲАРЛАНИШ** —  
жабрланганлар сони — 10 киши, вафот этганлар  
сони — 2 киши ва ундан ортиқ;  
**ЭПИЗОТИЯ** — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши  
ёки нобуд бўлиши;  
**ЭПИФИТОТИЯ** — ўсимликларнинг оммавий нобуд  
бўлиши.

### **III. ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР**

**1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазिश чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи ер юзасининг ўпирилиши, силжиши; тупроқ ва ер остининг саноат туфайли келиб чиққан токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефть маҳсулотлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.**

## **2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:**

**ҳаво муҳитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:**

олтингугурт диоксид, диоксид ва азотли оксид, углеводли оксид, диоксин, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар; катта кўламда кислотали зоналар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

**радиациянинг юқори даражаси.**



### **3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:**

**ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари: нефть маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар бор бўлган чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши; бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасининг ошиши;**

**сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувнинг кескин етишмаслиги.**

# **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР (КЎЛАМИ БЎЙИЧА)**

**ЛОКАЛ**

**МАҲАЛЛИЙ**

**РЕСПУБЛИКА**

**ТРАНСЧЕГАРАВИЙ**

• **Локал фавқулодда вазият** - бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 нафардан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 нафардан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

• **Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият** - аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 нафардан ортиқ, бироқ 500 нафардан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 млн. бараваридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

**Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда** - фавқулодда вазият натижасида 500 нафардан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 млн. бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

**Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият дейилганда** эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган, ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади. Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда ҳалқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун фалокат келтирувчи, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокатли вазиятдир. Шунинг учун охириги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатини куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, ЮНЕП ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

# 1. ТРАНСПОРТДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР



# АВТОТРАНСПОРТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ АВАРИЯЛАР





## 1.1. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари.





1.3. Бошқирдстондаги нефть маҳсулотларини узатиш қувуридан газ чиқиб кетиши натижасида содир бўлган авария оқибати. Бунда 2 та йўловчи ташиш поезда бир вақтда портлаб ва ёниб кетиши натижасида 575 одам ҳалок бўлган.



## 2. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар.



## 2.1. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар



### 3. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар.



## 4. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар.

*Ёнгиш, портлаш*



*Коммунал тизимдаги авариялар*




## 5. Бинолар конструкцияларининг тўсатдан бузилиши.



**6. Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар.**



# ЧЕРНОБЫЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДАГИ ХАЛОКАТ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ





# Реактор ва ундаги портлаш оқибати




СХЕМА КИПЯЩЕГО ЛЕГКОВОДНОГО РЕАКТОРА НА АЭС ФУКУСИМА-1, ЯПОНИЯ



# Гидротехник ҳалокатлар

- Гидротехника (гидродинамик) ҳалокатлар бу гидротехник иншоот ёки унинг бирор қисми ишдан чиқиб бузилиши натижасида бошқариб бўлмайдиган жуда катта сув массасини бостириб келиши туфайли вужудга келадиган Фавқулодда вазиятдир.
- ГТИ (Сув омборлари, дарёлар, каналлар) нинг бузилиши, баланд тоғ кўлларининг уриб кетиши натижасида сув босиши гидротехник халокатлар ва фалокатлар содир бўлишига олиб келади ҳамда одамларни қурбон бўлишига, саноат, қишлоқ хўжалик объектлари, сув босган ҳудуддаги аҳолининг ҳаёт фаолиятини издан чиқишига сабаб бўлади ва шошилиш кўчириш (эвакуация) тадбирларини ўтказишни талаб қилади.

## 7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар.



2009 йил 17 август куни Россиянинг Саяна Шушенский ГЭСида юз берган фожиа мисолида кўриш мумкин.



## Гидродинамик ҳалокат турлари ва сабаблари

- Бир қанча вазифаларни бажаришга мўлжалланиб, бир бутун қилиб бирлаштирилган гидротехник иншоот мажмуи гидроузеллар деб аталади.
- Гидротехника иншоотларига уларни бузилишига олиб келувчи қуйидаги емирувчи кучлар доимо таъсир кўрсатиб туради: сув оқими, тебраниш, балчиқ - чўкиндилар, ўзгарувчи ҳарорат, динамик кучлар, металл занглаши, бетоннинг суюқликка қоришиб ювилиши, ернинг ювилиб кетиши ва хоказо.
- Шу сабабли, вақт ўтган сари, режага кўра бажариш лозим бўлган таъмирлаш ишлари амалга оширилмаса иншоот емирилиб, унга ёндош ҳудудни сув босиш эҳтимоли орта боради.

- Ўзбекистон Республикасида 19 млрд. 700 млн. куб м сув сиғдира оладиган 59 та сув омбори, дарё сувларини вилоят ва туманларга тақсимлаб берувчи 150 дан ортиқ сув туғонлари, 28122 км узунликдаги магистрал каналлар ва бошқа сув иншоотлари мавжуд.
- Марказий Осиё ҳудудида қуйидаги гидротехника иншоотлари мавжуд булардан Чордара, Қайроққум, Тохтагул, Андижон, Нурек, Толимаржон, Рагун ва бошқалар.

Террорчилик ва қўпурувчилик ҳаракат шароитида ёки ФВ жараёнида гидротехник иншоотлар маълум хавф туғдиради масалан:

Чорбоғ сув омбори, сифими 2 млрд куб метр сув мавжуд бўлиб туғонни бузилиши содир бўлганда, шаҳарнинг Чирчик дарёсига яқин қисмида жойлашган объектлари ва аҳоли пунктлари ҳалокатли сув босиш ҳудудига айланади.

Ҳалокатли сув тошқинида Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари турар жой бинолар, экин майдонлари катта зарар кўриши мумкин. Худди шундай ҳалокатлар бошқа сув омборларини бузилиши натижасида юзага келади.

# ***Жахонда содир бўлган гидродинамик авариялар***



1923 йил Италия. Баландлиги 75 метр бўлган «ГЛЕНО» туғонининг бузилиши натижасида 5 млн.м<sup>3</sup> сув дарё бўлаб пастга қараб оқиши натижасида 500 киши халок бўлган.

1928 йил Калифорния. Баландлиги 80 метр бўлган «СЕНТ-ФРАНСИС» туғонининг бузилиши натижасида 40 метр баландликдаги сув оқими оқиши натижасида 600 киши халок бўлиб, ушбу туғоннинг қурилиши инсониятга гидротехник иншоотларни нотуғри қурилиши хавфли оқибатларга олиб келишини исботлаб берган.



*1953 йил Голландия. Денгиз тўлқинлари кўтарилиб химоя иншоотларини бузиб аҳоли яшаш пунктларини 9 метр баландликда сув босган. Натижада 2 минг киши халок бўлиб бир қанча иктисодиёт объектларига зарар етказган.*



• Табиий тўғонлар – табиат ходисалари (кўчкилар, селлар, қор кўчкилари, зилзилалар ва бошқалар)нинг таъсирида ҳосил бўлади.

Сарез кўли (Табиий) Помир тоғида, Мурғоб дарёсининг марказий (ўрта) қисмида денгиз сатхидан 3252м баландликда жойлашган. Бу кўл Муғроб дарёсини Учсой кўчкиси билан 1911 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси 9 баллик кучли зилзила туфайли Муғроб водийси ёнбағирларида тарихда мисли кўринмаган тоғ ўпирилиб, кўчки рўй берди. Кўчки Муғроб дарёсини бутунлай тўсиб қўйди ва жаҳонда энг йирик тоғ кўли ҳосил бўлди. Натижада узунлиги 5 км, эни 500 метр, кейинчалик орадан ярим йиллар чамаси вақт ўтгач тўғоннинг юқори қисмида - Сарез қишлоғининг ўрнида кўл пайдо бўлади, бу ном сув босган қишлоқнинг номи билан “Сарез” кўли деб атала бошланди. Бугунги кунда ушбу тоғ кўлининг юзаси 80 км<sup>2</sup> узунлиги 60 км, чуқурлиги 500 м, умумий сув миқдори 17 млрд. метр кубометрни ташкил этади.

# САРЕЗ КЎЛИ



“УЧСОЙ” тўғони ёрилса турли тоғ жинслари ва сувларнинг 11,5 куб км лик катта миқдордаги массасига эга бўлган кўчки, 100 м баландликни ташкил этиб, 80 км/соат тезликда Бартанг, Панж, Амударё дарёларини қамраб босиш эҳтимоли бор.

Ҳалокатли сув босиши натижасида Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Туркменистон давлатларини кўпгина ҳудудларини қамрайди. Шу давлатлардаги тошқин остида қолиши мумкин бўлган майдон тахминан 69 минг кв. км. ни ташкил этади. Бу ҳудудларда тахминан 6 млн. аҳоли истиқомат қилади.

Тўғоннинг бузилишидан сўнг тошқин 35 соатдан сўнг Термез шаҳрига, 52 соатдан сўнг Керки шаҳрига, 71 соатдан сўнг Чорджоу шаҳрига, 100 соатдан сўнг Туя- Мўйин сув омборига, 124 соатдан сўнг Нукус шаҳрига, 149 соатдан сўнг Орол денгизига етиб боради. Ўзбекистонда тошқин босадиган майдон 24 минг кв. км. ни ташкил этиб, бунда Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаларидан ўтади.

# САРЕЗ КЎЛИНИНГ “УЧСОЙ” ТЎҒОНИ ЁРИЛИШИДА ҲАЛОКАТЛИ СУВ БОСИШ ХУДУДИ





*Дунёда бундан ташқари бир қанча гидротехник иншоотларни бузилиши натижасида инсониятга турли хил зиёнлар етказган.*

# **ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДАГИ АВАРИЯЛАР САБАБЛАРИ**

## **ТАБИИЙ**

**ЗИЛЗИЛА**

**КЎЧКИ**

**СУВ САТХИ  
КЎТАРИЛИШИ**

## **ТЕХНОГЕН**

**ЛОЙИХА ВА ҚУРИЛИШДАГИ  
ХАТОЛАР**

**ИШЛАТИШ ҚОЙДАЛАРИДАГИ  
ХАТОЛАР**

**УСКУНАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ,  
ЗАНГЛАШИ**

**ПОРТЛАШЛАР ВА ЖАНГОВОР  
ТЕРРОРЧИЛИК ХАРАКАТЛАР**

# ГТИ МУҲОФАЗАСИ ВА АВАРИЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

ГТИ ТЎҒРИ ЛОЙИХАЛАШ  
ВА ҚУРИШ

ГТИ ДАН ТЎҒРИ  
ФОЙДАЛАНИШ

АХБОРОТ АЛМАШУВ ВА  
ДОМИЙ НАЗОРАТ

ГТИ НИ ИШОНЧЛИ  
ҚЎРИҚЛАШ



# ҚУЙИДАГИЛАР ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ:

\* Аҳолининг барча гуруҳларига фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидаларини ва асосий усулларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоа ва якка тартибда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш;

\* давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш ва уларни бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш, ФВда ҳаракат қилишда ходимларнинг ўз вазифаларини амалий эгаллаши.

\* бошқарувнинг барча даражадаги раҳбарларини, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;



## **Ҳалокатли сув босиш ва тошқин пайтида:**

Аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш гидротехника иншоотлари бузилиш хавфи туғилган ёки бузилган ҳолларда ёхуд сув хавзаларидаги сув сатҳи кўтарилиб кетганда (тошганда), шунингдек объектларни кундалик фаолиятининг турмуш кечириш шароитини таъминлаш тизимларини сув бузиб кетганда ўтказилади.

Аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш чекланган ёки маҳаллий таснифда бўлиши мумкин. Олдиндан ўтказиладиган эвакуация (кўчириш) қилиш эвакуация қилинадиган аҳолини йиғилиш пункти (ЭКАЙП) йўлга қўйилади (ишлаб чиқариш – ҳудудий принципда). Олдиндан ўтказиш даври қисқа бўлганда аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш ҳудудий принципга биноан 1 ёки 2 босқичда эвакуация (кўчириш) оралиқ пункти (ЭОПни йўлга қўйиб) ўтказилади.

## *Ҳалокатли сув тошқини юз берган ҳудудда аҳолига хабар бериш тартиби.*

Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни ҳам қўшиб) аҳолига хабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

ФМ хабар бериш сигналлари орқали, ҳалокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келадиган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли хабар тарзида аҳолига етказилади.

ФМ хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят туманини) ҳам берилиши мумкин.

Масалан; Гидротехника иншооти объектида сув тошқини бўлганда мана бундай ахборот берилади:  
“Диққат барчага!!! “Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шаҳар бошқармасидан (бўлимидан) гапирамиз... Фуқаролар! Сув тошқини содир бўлди. Зудлик билан белгиланган эвакуация йиғув масканига йиғилишингиз сўралади.”



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – ФМ бошлиғи

Худудий

Функционал

Хоким – ФМ бошлиғи  
ФВБ бошлиқлари-  
хоким ўринбосарлари

Ўз Р Фавқулодда  
вазиятлар вазири

Вазирликлар,  
идоралар,  
ташкилотлар  
муассасалар

Жойларда вазирликлар,  
идоралар, ташкилотлар  
муассасаларнинг қуйи  
тизимлари

## Бошқарув

бу- биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнида маълум бир шахсга ёки гуруҳга нисбаттан мақсадга йўналтирилган узликсиз таъсир ўтказиш.

Бошқарувда- белгиланган мақсадга эришиш учун аниқ ва тўлиқ ўз вақтида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳамда режани тўлиқлиги ва тўғри қарор қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кто владеет инф тот владеет миром. Вазият бизни эмас биз вазиятни бошқаришимиз керак





Давлатни ақл-идрок билан бошқариш  
халқ бошига тушган хавф- хатарни  
камайтириш ва бартараф этишдан  
иборатдир.

АБУ НОСР ФОРОБИЙ ( х-

## Бошқарувнинг асосий мақсади<sup>аср)</sup>

- Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ёки бартараф этишда белгиланган мақсадга эришиш ёки вазифаларни бажариш учун Қонун доирасида маълум (қисқа) муддат ичида сифатли, имкон қадар кам сарф харажат ва иложи борича йўқотишларсиз аниқ чора тадбирларни амалга оширишдир.



# Ўзбекистон Республикаси ФВДТни ташкил этилиши асослари

- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар, ва шаҳар ҳокимликларининг, вазирлик ва идораларининг, корхона, муассаса, ва ташкилотларнинг БО, кучлари ҳамда воситаларидан иборат.  
(АваҲТҲТХФВМҚТ 6-моддаси)
- ФВДТнинг асосий мақсад этиб - ФВДТ бошқарув органлари, республика ва маҳаллий ҳокимият органларини, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан (ФВ) ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган корхоналар ва муассасаларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда ФВларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда **тинчлик ва ҳарбий даврда** давлат иқтисодиётига таъсир этувчи зарарни камайтиришни таъминлаш белгиланган. (ЎзР ВМ 23.12.97й. 558-сонли Қарори б\н тасдиқланган НИЗОМининг 26.).



- Ўзбекистон Республикаси ФВВ ФМ, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган ФВларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга рахбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширувчи марказий давлат бошқарув органи **ҳисобланади.** (АваҲТҲТХФВМҚТ 8-моддаси Махсус ваколатли БО)
- У ўз фаолиятини ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, табиятни муҳофаза қилиш ва махсус ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. (ЎзР ВМ 11.04.96й. 143-сонли Қарори б\н тасдиқланган НИЗОМининг 16,3б)





# 1. БОШҚАРИШНИНГ МОХИЯТИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

**ФМни бошқаришнинг мохияти** ФМ хизмати

Республика рахбар органларининг, ФМ бошлиқларининг, бўлим ва бошқармаларнинг, комиссияларнинг, хизматларнинг доимий ФВларни олдини олиш содир бўлганда уларни бартараф этиш мақсадини кўзлаган фаолиятидан иборат бўлиб, қуйидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга қаратилган:

-аҳолини табиий офатлардан, авариялардан, халокатлардан муҳофаза қилиш;

-иктисодиёт объектларини ва тармоқларини барқарор ишлашини таъминлаш;


-ФМ бошқарув органларининг ФВлар шароитида куч ва воситаларни шайлигини юқори даражада сақлаш;

-ФВ содир бўлган жойларда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни мувоффақиятли ўтказиш;

**(АваҲТҲТХФВМҚТ ва ФМ Қонунларининг (6) 6,7,8,9,10,11-моддалари ЎзР ВМ 23.12.1997й 558-сонли Қарорининг 9,11,12,13 бандлари).**



# Бошқарувга қўйиладиган асосий талаблар.



# Бошқарув қўйидагиларни ўз ичига олади:


- бошқарув тизими (системаси)ни ташкил-лаштириш;
- ҳаракатлар (тадбирлар)ни режалаштириш;
- узликсиз маълумот йиғиш, жамлаш, таҳлил қилиш ва вазиятга баҳо бериш;
- қарор қабул қилиш;
- ижрочиларга вазифалар қўйиш ва етказиш;

- куч ва воситаларни тайёргарлигини ошириш (сақлаш), уларни ҳаракат қилиш ҳамда тикланиш ва таъминлаш қобилиятини ошириш тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- ҳар томонлама таъминот бўйича тадбир-ларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- қўйилган топшириқларни бажарилишини ташкиллаштириш назорат қилиш (ва/б).

## 2. Бошқарув тизими (системаси)



- ФМга раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг ФМси соҳасидаги ваколатлари

- (ЎзР “ФМ тўғрисида”ги Қонунининг 6,7,8,9,10,11 моддалар)

- ЎзР ФМга умумий раҳбарликни ЎзР ВМ амалга оширади.
- ЎзР Бош вазири мамлакат ФМ бошлиғидир.
- ЎзР ФМни бошқариш ЎзРси ФВВги зиммасига юклатилган.
- Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар туманлар, ва шаҳарлар ҳокимлари ўз ҳудудларининг ФМ бошлиғи хисобланадилар.
- Вазирликлар, идоралар, ва ташкилотлар раҳбарлари лавозмига кўра ФМ бошлиғидирлар.

# ФМ бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга

- ФМсининг тегишли режаларини амалга жорий этиш;
- Аҳолини, моддий ва маънавий бойликларни хавсиз жойларга эвакуация қилиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш;
- ФМ бўйича директива, буйруқ, қарор, ва фармо-йишлар чиқариш;
- Қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа ваколатлар-ни амалга оширадилар

# ФВДТ раҳбар органлари

- бу аҳоли ва ҳудудларни ФВдан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва объектлар маъмуриятидир.

- **Республика даражасида**- Ўз Р ФВВ; атроф табиий муҳит ва кучли хавfli объектларнинг ҳолатини кузатувчи ва назорат қилиш учун маъсул бўлган, шунингдек таркибида кимёвий, портловчи, ёнғин чиқиш мумкин бўлган вазирликлар ва идоралар;
- **Маҳаллий даражасида**- ҚР Вазирлар кенгаши ва вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари
- **Объект даражасида**- корхоналар (муассаса-лар, ташкилотлар) маъмуриятидан иборат.



# Республика миқёсида ФВДТ бошқарув ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – ФМ бошлиғи

Функционал Қ.Т.

Республика даражасида

Ўз Р Фавқулодда  
вазирлар вазири

Вазирликлар, идоралар,  
ташкилотлар,  
муассасалар...

Худудий Қ.Т.

Маҳаллий даражасида

Хоким – ФМ бошлиғи

ФВБ бошлиқлари-хоким-  
ФМ бошлиқларининг  
ўринбосарлари

Объект

даражасида

Жойларда вазирликлар, идоралар,  
ташкилотлар муассасаларнинг қуйи  
тизимлари

# Махаллий даражада ФВДТ бошқарувни ташкил этиш

Вилоят хокими – ФМ бошлиғи

Функционал Қ.Т.

Вилоят миқёсида

Вилоят ФВБ бошлиғи-  
хоким ўринбосари

Идоралар, ташкилотлар,  
муассасалар...

Худудий Қ.Т.

Туман миқёсида

Туман хокимлари –  
ФМ бошлиғи

ФВБ бошлиқлари ёки  
мутахассислари

Туман ↓ объектлари

Объектлар раҳбарлари

# Махаллий даражада ФВ бартараф этишда бошқарув тизимини ташкил этиш

Вилоят хокими – ФМ бошлиғи

Вилоят ФВБ бошлиғи- Вилоят ФМ бошлиғи  
ўринбосари – ФВБартараф этиш ШТАБ  
бошлиғи

Функционал Қ.Т.

Худудий

ШТАБ  
аъзолари

Вилоят бошқармалари,  
идоралари, ташкилотлари,  
муассасалари рахбарлари

Туман  
хокимлари

хокимлари  
хокимлари

# Объект даражасида ФМ тузилмаси бошқарув тизимини ташкил этиш

Объект рахбари – ФМ бошлиғи

Рахбар ўринбосари – штаб бошлиғи

Штаб бошлиғининг ёрдамчиси-ФМмутахассиси

Штаб аъзолари:

Бўлимлар бошлиқлари -  
ФМ тузилмасининг гуруҳларини бошлиқлари

ФМ тузилмаси:

→ Авария – қутқарув гуруҳи бошлиғи: қутқарувчилар – 7 киши

→ Тиббий ёрдам гуруҳи бошлиғи: санитар ходимлар - 4 киши

→ Разветка гуруҳи бошлиғи : разведкачилар -3 киши

→ Алоқа ва хабар бериш гуруҳи бошлиғи: алоқачи ходимлар - 4 киши

→ Алоқа ва хабар бериш гуруҳи бошлиғи: алоқачи ходимлар - 4 киши

→ Алоқа ва хабар бериш гуруҳи бошлиғи: алоқачи ходимлар - 4 киши

## ФВДТнинг кундалик бошқарув органлари<sup>10</sup>

- ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ФВ бошқармалари;
- Шаҳар ва туманлар ФВлар бўлимлари;
- Объектнинг ФВлар бўлимлари;
- Вазирликлар ва идораларнинг давлат назорати органлари;
- Вазирликлар ва идораларнинг ФВлар бўлимлари;
- ФВ вазирлигининг танг вазиятларни бошқариш маркази;
- ФВБлари бошқармалари (бўлимлари)нинг навбатчилик хизматлари;
- Вазирликлар, идоралар ва объектларнинг навбатчи-диспетчерлик хизматларидан иборат. Улар тегишли хабар бериш, алоқа ахборотни қайта ишлаш ва узатиш воситалари билан жиҳозланган ҳамда уларга юклатилган вазифаларни бажаришга доимий тайёр ҳолда сақланади.

**ФМга тенишли  
режаларни ишлаб  
чиқиш ва уларни  
мослаштириб  
туриш**

**вазият хақида  
узликсиз  
маълумот тўплаш,  
ўрганиш, бахо  
бериш,  
башоратлаш.**

**Ўз вақтида қарор  
қабул қилиб  
вазифаларни  
ижрочиларга  
етказиш**

**ФВДТ бошқарув жараёни**


**Тадбирларни  
бажарилишини  
назорат қилиш**

**вазифани  
бажаришга  
бошқарув  
органларни ва  
кучларини  
тайёрлаш**

**ўзаро ҳамкорликни  
ташкиллаштириш  
ва хар томонлама  
таъминлаш**



## Бошқарув тизими



## БОШҚАРИШ ПУНКТЛАРИ


Бошқариш пункти(БП) -бу тегишли ФМ органи жойлаштирилишига ва барқарор ишлашини таъминлашга мўлжаллаб, махсус ускуналанган ёки техник воситалар билан жихозланган иншоат ёки транспорт воситаси (ёхуд булар мажмуаси).

# Назорат саволлари

- Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи ВМ қайси қарорида келтирилган?
- Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг гуруҳланиши?
- Авариялар ва унга сабабчи бўлган омиллар нималардан иборат?
- КТЗМ таъсиридаги аварияларда фуқаролар муҳофазасининг хатти-ҳаракатларини тушунтиринг.
- Фожеалар содир бўладиган тармоқлар ва уларнинг оқибатлари қандай бўлади?
- Фожеа оқибатларини тугатишда фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари қандай бўлади?
- Атроф-муҳитни радиоактив моддалар билан ифлосланишини келтириб чиқарувчи манбалар нималардан иборат?
- Атроф-муҳитни КТЗМ билан ифлосланишини келтириб чиқарувчи манбалар нималардан иборат?



**Уйга топшириқ:** Венн диаграммасидан фойдаланиб 7 та техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фврқли томонларни белгиланг.



*Эътиборингиз учун  
ташаккур*